

“Одамлар адолат истаб келган жойдан рози бўлиб кетишлари керак...”



3-бет

Жаҳон аҳли коррупция билан қандай курашмоқда?



4-бет

Бир танга минг танга бўлмади



7-бет

Сталинни чув туширган оддий ўғригина бола



8-бет



ИНСОН ва ҚОНУН

11 февраль 2020 йил / № 05 (1209)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ДАВРИДА ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

5-бет

ГАЗЕТАДАН МИННАТДОРМАН!

ХАТИРЧИ туман Фермер, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари Кенгаши 2018 йил пахта йиғим-терими мавсумида мен билан қонуний шартнома тузиб, мени отряд бошлиғи сифатида ишлатишга ишлатиб, қилган меҳнатимга ҳақ тўла-масдан ноқонуний йўл тутди, бир йил мобайнида сарсон-саргардон қилди. Ёзмаган идорам, бормаган эшигим қолмади. Аммо натижаси бўлмади. “Инсон ва қонун” газетасига мурожаат қилганимдан сўнг иш фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида кўриб чиқилиб, менга етти ярим миллион кечиккан меҳнат пулим ундириб берилди. Бунинг учун тахририятдан миннатдорман.

Марди СИДДИҚОВ,
Хатирчи тумани “Найман” маҳалласи фаоли

Ана гап!

**11 нафар ходим.
11 та ариза.
111 миллион сўм.
БУ НИМАДАН ДАРАК?**

ОЛТИНҚҮЛ туман адлия бўлимида фуқароларнинг қабули ташкил этилди. “Олтинқул Агросервис машина-трактор парклари”да ишловчи 11 нафар ишчи ходим ойлик иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётганидан норози бўлиб ариза беришди. Урганиш давомида ҳақиқатан ҳам ташкилот томонидан 11 нафар ходимга 2019 йил давомида жами 111 398 000 сўм иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди. Шу сабаб ишчи ходимларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳақдорлигини ташкилотдан ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига 11 та ариза киритилди. Барча ариза муаллифларининг мурожаатлари қаноатлантирилди.

А.Исмоилов,
Олтинқул туман адлия бўлими бошлиғи

**Мурожаатлар ошмоқда...
Лекин масаланинг ечими, натижаси,
самараси муҳим**

ИНСОНИЯТ борки, ҳуқуқий муносабатлар моҳиятида яшаб келмоқда. Мана шундай ҳуқуқий муносабатларни айтилик, янги чақалоққа туғилганлик гувоҳномасини беришдан бошлаб, нафақага чиқиш гувоҳномаси-ю, ўлим тўғрисидаги гувоҳномагача бўлган жараёнлар борки, қонун тартибга солади. Мана шу жараёнларда эса адлия тизимининг ўрни муҳим. Эътибор беринг, адлия соҳасининг 100 йиллик тарихида илк бора “республика — вилоят — туман” вертикал фаолият принципига асос солинди. Бу тизим эса қонун ҳужжатлари тарғиботи ва қонунлар ҳимоясининг Мўйноқдан Хонободгача бўлган ҳудудда қатъий қафолатланишига замин яратди.

6-бет

“ҲАҚИМИЗНИ БЕРИНГ, БОЙ ОТА”!

Машҳур “Шум бола” киносини кўрганмисиз? Ҳа, баракалла. Сирдарё вилоятида ҳам худди шундай воқеага гувоҳ бўлдик. Вилоят адлия бошқармаси томонидан “Сувоқава” давлат унитар корхонасида ходимларга иш ҳақлари берилиши ҳолати ўрганиб чиқилди. Натижада корхона томонидан 220 нафар ходимнинг 205 526 720 сўм иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди ва масала юзасидан ушбу корхонага тақдимнома киритилди. Ходимларнинг икки юз миллиондан ортиқ иш ҳақи ундириб берилди.

Азизбек МАВЛАНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

hudud24

**БИЗ СИЗГА
ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ
АХБОРОТ ЕТКАЗИШДАН
МАМНУНМИЗ!**

Сайтга ўтиш

www.hudud24.uz

Ҳокимнинг эътиборсизлиги учун РЕЙИМБОВ НЕГА ЖАРИМА ТЎЛАШИ КЕРАК?

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Тахياتош туман, "Кенегес" овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Б.Рейимбоевнинг яшаб турган уйи учун 2 та қарор чиқарилганидан норози бўлиб, вазирликка йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.



Аниқланишича, тумандаги "Кенегес" овул фуқаролар йиғини томонидан 2001 йилда "Фуқароларнинг қуриб битказган тураржойларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича тузилган АКТларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, унга асосан, Б.Рейимбоевнинг тураржойи фойдаланишга қабул қилинган.

Шунингдек, 2001 йил Хўжайли тумани ҳокимининг "Хўжайли тумани ҳудудидаги фуқароларнинг ўз кучи билан қуриб битказган тураржойларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича "Кенегес" ОФЙ оқсоқолининг қарорини ва ҳудудидаги қурилиши якунланган тураржойларнинг АКТларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, лекин мазкур қарорлар Б.Рейимбоевга берилмаган.

Шу сабабли, Б.Рейимбоев Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сон қарорига асосан тураржойига нисбатан ўз мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича 2019 йилда Тахياتош туман Давлат хизматлари маркази орқали туман ҳокими номига мурожаат қилган.

Унинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилиниб, тураржойга мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича 2019 йил 13 мартда "Фуқаро Б.Рейимбоевнинг ўзбошимчалик билан қурган тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш ва ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида" Тахياتош туман ҳокими қарори қабул қилинган.

Аммо ҳокимнинг мазкур қарорни қабул қилишида Б.Рейимбоевнинг тураржойи ўзбошимчалик билан ёки рухсатномасиз қурилмаганлигига эътибор қаратилмаган.

Шунга асосан, вазирлик томонидан Тахياتош туман ҳокимининг ушбу қарорини ноқонуний, деб топиш тўғрисида Хўжайли туман маъмурий судига шикоят аризаси киритилди ва суд томонидан туман ҳокимининг мазкур қарори ноқонуний, деб топилди, фуқаро Б.Рейимбоев томонидан тўланган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдордаги бир марталик йиғим пули қайтариб берилди.

Есенгелди УТЕПОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими



Газга пул тўласа ҚЎШНИСИНING ҲИСОБ РАҚАМИГА ТУШГАНМИШ...

Н.АКЮЛОВА газдан қарздорлик ёзилганлигини, лекин у ойма-ой газ учун пул тўлаб келишини, бу ердаги тушунмовчиликни ўзи бартараф этолмаётганини билдириб, амалий ёрдам беришларини сўраб Ширин шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

Ўрганишда аниқланишича, фуқаро Н.Аюлова яшаб келаётган хонадон табиий газ тармоғидан 2016 йилда узилган. У 2019 йил сентябрда Мажбурий ижро бюросининг Ширин шаҳар бўлимига табиий газ тармоғига қайта улаш учун рухсат беришларини сўраб мурожаат қилган.

МИБ ходимлари томонидан асослантурувчи ҳужжатлар сўралганида, фуқаро кўрсата олмаган, бюро ходимлари Ширин шаҳар газ таъминоти корхонасидан қарздорлик учун тармоқдан узилмаганлиги

тўғрисида далолатнома олиб келишини сўрашган. Газ корхонасида эса хонадоннинг табиий газдан қарзи мавжудлиги аниқланган.

Қайта текшириш натижасида фуқаро Н.Аюлованинг тўлаган пул маблағлари қўшни хонадонда яшаётган У.Назарованинг ҳисоб рақамига нотўғри туширилгани аниқланди.

Шундан сўнг Н.Аюлованинг табиий газ учун тўлаган пул маблағлари ҳақида хатлов (инвентаризация) далолатномаси расмийлаштирилди ҳамда хонадон ҳисоб рақамига тушириб берилди.

Ҳозирда мурожаатчининг хонадони табиий газ тармоғига уланди ва истеъмол қилинган табиий газдан 437.283 минг сўм олдиндан ошиқча тўлови "Биллинггаз" дастурига киритилиб, норéal (ассо-сиз) ҳисобланган қарздорлик олиб ташланди. Фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди, аммо адолат қарор топганича, бир инсон ўзининг ҳақлигини исботлаганича қанча асаббузарликлар юз берди.

Шокиржон НОДИРОВ,
Ширин шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Жиззахда одамлар КРЕДИТ ОЛОЛМАЙ САРСОН Бўлаётганди...

ДАВЛАТИМИЗДА тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Аммо шунга қарамай, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётганлар ҳам учраётгани ачинарли.

Хусусан, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаётганлиги юзасидан фуқаролардан шикоятлар келиб тушмоқда.

Жумладан, Жиззах шаҳри Улугбек МФЙда яшовчи икки фуқаро кредит олиш мақсадида ТИФ Милий банк Жиззах индустриал филиалига мурожаат қилган бўлишига қарамай, уларга кредит ажратилмаётганлигидан норози бўлиб, бўлимига адолат истаб келишди.

Маълум бўлишича, тижорат банки масъуллари томонидан фуқароларнинг ҳужжатлари қабул қилинган, банк кредит қўмитаси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши натижасида кредит ажратилиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари, тижорат банки ва фуқаролар ўртасида кредит шартномаси тузилган ва таъминотчи фир-

малар томонидан маҳсулот етказиб берилгандан сўнг кредит ажратилиши тўғрисида кафолат хатлари бўлишига қарамай кредит маблағлари ажратилмаган.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан бўлим томонидан тижорат банкига тақдимномалар киритилди.

Натижада, банк томонидан мурожаатчиларнинг бирига тивув машиналари сотиб олиши учун 8 миллион 74 минг сўм, яна бирига чорвачилик фаолиятини йўлга қўйишида насли қорамоллар сотиб олиши учун 30 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

Мухриддин МУСУРМОНОВ,
Жиззах шаҳар адлия бўлими катта маслаҳатчиси



АРИЗА РАД ЭТИЛДИ: БУ ҚОНУНГА ХИЛОФМИ?

ТўРАҚҮРҒОН туман адлия бўлимига Салимова Дилором мурожаат қилди. У тумандаги умумий ўрта таълим мактабида ҳамшира бўлиб ишлаган, туғуруқ таътилидан сўнг ўз лавозимига қайтиш учун декабрь ойидан бери ҳаракат қилган. Лекин шу кунга қадар туман тиббиёт бирлашмаси томонидан аризаси рад этиб келинаётганлигидан норозилигини айтди.

Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, фуқаро Д.Салимова 2017 йилда Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг тегишли буйруғи билан умумий ўрта таълим мактабига ҳамширалик 0,5 ставка вазифасига қабул қилинганлиги, 2018 йилдан тегишли буйруқ билан 1.0 ставкага ўтказилганлиги, 2019 йил 1 июнь кундан ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги аниқланди.

Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан, болани парвартириш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллари меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 224-моддасига биноан ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Д.Салимованинг тушунтиришича, у туғуруқ таътилидан

қайтиш учун туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлимига учраганда унга бошқа жойга ишга ўтиши мумкинлиги, акс ҳолда, бир муддат, яъни унинг ўрнига вақтинча ишга олинган ҳамшира кетганига қадар кутиб туришини айтишган.

Ўрганиш даврида туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи ҳам мазкур маълумотни тасдиқлади.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 96-моддасига "Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун унинг аризаси, ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса, уларнинг аризаси ва тиббий ҳулоса асос бўлади", деб белгиланган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг

78-моддасига биноан, иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини ваҳ қилиб) ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Юқоридагиларга асосланиб, Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан Тўрақўрғон туман тиббиёт раҳбарияти бирлашмасига тақдимнома киритилиб, фуқаро Д.Салимова ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанига қадар ишлаган лавозимига ва иш жойига тикланди.

Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА,
Тўрақўрғон туман адлия бўлими масъул ходими

Шухрат УЗОҚОВ, Самарқанд вилояти Халқ қабулхонаси бошлиғи:

“Одамлар адолат истаб келган жойдан рози бўлиб кетишлари керак...”

ИНСОН ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари алоҳида ўрнига эга.

Буни Самарқанд вилоят Халқ қабулхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Аҳоли муурожаатларини ўрганишда янгича ёндашув ва тажрибага таяндик, — дейди Халқ қабулхонасининг бошлиғи Шухрат Узоқов. — Битта муурожаатга уч-тўрт мутахассис нуқтаи назари ва хулосаси билан яқиний натижа чиқарилади. Айрим ҳолларда муурожаат эгаси ҳам иштирок этади. Бу эса, кўтарилган масалага шаффофлик ва очиқлик билан ёндашишни талаб қилади. Масалан, Ургут туманининг “Алохотин” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ахмад Жўраев маҳаллада тоза ичимлик суви йўқлиги, бу эса аҳолини қийнаб келатганлиги хусусида Халқ қабулхонасига муурожаат қилди. Унинг муурожаати атрофлича ўрганилиб, туман маҳаллий бюджети ҳисобидан 35 миллион сўм маблағ ажратилди ва масала ижобий ҳал этилди. Шунингдек, Нарпай туман “Сарбозор” МФИда яшовчи

Тургун Исмамовнинг маҳаллада кутубхона ташкил этиш ҳақидаги муурожаатига кўра, “Сарбозор” МФИда 427 миллион сўмлик лойиҳа асосида 10 мингга яқин турли адабиётлар ҳамда 300 га яқин электрон адабиётлар билан таъминланган янги кутубхона куриб, фойдаланишга топширилди. Жомбой тумани “Сарчашма” МФИда яшовчи Суҳроб Ёқубов тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча тикув цехи, ҳаммом, ошхона куриш учун банкдан 125 миллион кредит олиш учун Халқ қабулхонасига муурожаат қилди. Унинг муурожаати жойига чиқиб ўрганиш натижасида қаноатлантирилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган 2019 йил давомида Самарқанд вилоят Халқ қабулхонасига 19 729 та муурожаат келиб тушган, шундан 14 525 таси тегишли идора ва ҳокимликлар томонидан кўриб чиқилиши назоратга олиниб, 10 674 та муурожаат қаноатлантирилди. Шунинг-

Ўтган 2019 йил давомида Самарқанд вилояти Халқ қабулхонасига 19 729 та муурожаат келиб тушган, шундан 14 525 таси тегишли идора ва ҳокимликлар томонидан кўриб чиқилиши назоратга олиниб, 10 674 та муурожаат қаноатлантирилди.



дек, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш ҳолатини назорат ва мониторинг қилиб бориш, бу борада давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларни бузган жами 144 та ташкилотларнинг 75 нафар масъул шахслари интизомий, 9 нафарига нисбатан маъмурий жазо қўлланилди. 11-12 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худойбергенов раҳбарлигида ўтказилган сайёр қабулда жами 1284 та

муурожаат тушиб, шундан 288 тасига тушунтириш берилди. 449 та муурожаат ижобий ҳал этилиб, 552 таси ўрганиш учун тегишли ташкилотларга жўнатилди. Вилоятнинг туман ва шаҳар халқ қабулхоналари томонидан ўтган йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1563 та ногиронлик аравачалари, 66 та нафақахўр ва ногиронларга сихатгоҳларга йўлланма берилди. Шунингдек, вилоят “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 163 943 420 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, фуқароларнинг муурожаатлари ижобий ҳал қилинди, 34

нафар ногирон ва чин етим ёшларга 180 миллион сўмлик тўлов-контракт пуллари тўлаб берилган. Халқ қабулхоналарига кредит олишни сўраб муурожаат қилган фуқароларга 203 миллион сўмлик кредит олишга ёрдам қилинган. Вилоят туман ва шаҳарларнинг халқ қабулхоналарида “Фикр ва тавсиялар, миннатдорчилик сўзлари” китоби ташкил қилинган. Facebook ижтимоий тармоғида саҳифа ва каналлари мавжуд бўлиб, доимий равишда материаллар жойлаштирилиб борилмоқда.

“Инсон ва қонун” мухбири Азим ҚОДИРОВ ёзиб олди.

Миннатдорлик хати

АССАЛОМУ алайкум, “Инсон ва қонун” газетаси жамоаси!

Мен Президентимизга, Олий судга ва жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судьяларига ўз миннатдорчилигимни оиламиз учун кадрдон ва ишончли бўлган “Инсон ва қонун” газетаси орқали билдиришни истаб, сизлардан дил сўзларимни газета саҳифасида ёритишни илтимос қиламан.

Ўтган йили Марғилон шаҳрининг Ипакчилар шаҳарчасида қурилган қўл қаватли уйлاردан кредитга 2 хонали хонадон сотиб олган эдим. Уйнинг лудратчиси “Водий Пар Сервис” МЧЖ қурувчиларининг сифатсиз бажарган ишларига эътироз қилаверганим сабаб, овозимни ўчириш учун ушбу жамиятнинг ишчилари томонидан калтакланиб, ҳаётим учун хавфли оғир тан жароҳатлар олдим.

Марғилон шаҳар ИИБ ТБ терговчилари мени калтаклаб уришган ҳолатларга асосий гувоҳим бўлган турмуш ўртоғим М.Мамажонованинг кўрсатмаларини, экспертиза хулосаси, икки жиноятчининг жиноят жойидан қочаётгани акс этган видео ёзувларни умуман эътиборга олмасдан, мени урган 2 нафар кишини айблаш ўрнига Жиноят-процессуал кодексининг 104-моддаси, 2-қисми, “к” банди билан фақатгина А.Комилмовни айблаб, мени бир вақтнинг ўзида ҳам айбланувчи, ҳам жабрланувчи қилиб, ишни судловга топширди.

Суд процесси давомида, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси А.М.Ибрагимовнинг суд ишини одилона олиб бориши, ҳар бир ҳолатга синчковлик билан баҳо бериши, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳолисона тушунтириб ўтиши, иш учун аҳамиятли бўлган ҳар бир ҳолатга виждонан ёндашиши натижасида ҳақиқат рўёбга чиқди.

Шахсан Президентимиз томонидан назоратга олиниб амалга оширилган ислохотлар судьяларнинг фақат қонунларга бўйсунган, адолатли ҳукм чиқаришларига сабаб бўлмоқда, десам адашмаган бўлман.

Айнан қонун устуворлигига, одиллик ва инсонпарварлик принципларига таянган ҳолда фаолият олиб бораётган жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси М.А.Ибрагимов, Фарғона вилоят жиноят ишлари бўйича судининг апелляция судлов ҳайъати раислик қилувчи судья Т.Мирзаев, ҳайъат судьялари Р.Арапов ва Б.Эргашевлардек адолатли, инсонпарвар, одил ва ватанпарвар судьялар сони жамиятимизда кўпайса давлатимиз ҳақон ҳамжамиятида қўзланган юқори марраларга эришади. Адолат йўлидан оғишмай меҳнат қилаётган бу инсонларга ўз миннатдорчилигини билдираман ва ҳамisha адолат ёр бўлсин, дейман.

Фарғона вилоят, Марғилон шаҳар, Зухро МФИ, Зухро кўчаси, 5-уй, 1-корпус, 21-хонадонда яшовчи фуқаро Ойбек ЮНУСОВ

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак”.

МУРОД Шалимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келиб, 2008 йилда банкдан тўйхона куриш учун йиллик 14 фоиз устама билан 100.000.000 сўм кредит олади. Яхши ният билан қурилиш ишларини бошлаб юборади. Бироқ моддий қийинчиликлар сабабли ўз ишларини охирига етказолмай, банк олдида кредит ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича қарздор бўлиб қолади. Банк томонидан кредит ажратилаётган вақтда М.Шалимовга тегишли чойхона ва қурилиши тугалланмаган бино кредит учун гаров тариқасида олинганди.

Тадбиркор оқланди



М. Шалимов кредит шартномасида кўрсатилган талабларни бажармаганлиги сабабли, банк томонидан кредит шартномасини муддатдан аввал бекор қилиш ва тўланмай қолган кредит қарзини гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза қиритилади. Суд гаровга қўйилган мол-мулкни кредит қарзини қоплашга қаратиш юзасидан ҳал қилув қарорини чиқаради.

Хусусий фирма ва банк ўртасидаги шартномавий ҳуқуқий муносабат натижасида юзага келган низо кўриб чиқилиб, ушбу масала ўз ечимини топган бўлса-да, бироқ орадан 3 йилдан ортик вақт ўтганидан кейин М.Шалимов ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбланиб, жиноят иши қўзғатилади.

Маъмур иш 2015 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқрилиб, М.Шалимов банкнинг 100 миллион сўм мулкни талон-торож қилганликда айби, деб топилди, 2 йил муддатта муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда, 9 йил муддатта озодликдан маҳрум қилинади.

М. Шалимов ва унинг адвокати шикоятлари

асосида суд қарорларига нисбатан Бош прокуратура томонидан назорат тартибида протест қиритилиб, Олий суд Раёсатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилади.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан банк ва М.Шалимов, яъни кредитор ва қарздор ўртасидаги муносабат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳисоблангани эътиборга олиниб, иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари, суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган, деб топилди ва М.Шалимов оқланди.

Шунингдек, М.Шалимовга етказилган мулккий зиёни қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини қонунчиликда назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқларига эгаллиги тушунтирилди.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судьяси

Жаҳон аҳли коррупция билан ҚАНДАЙ КУРАШМОҚДА?



Гулчехра ТҮЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси профессори, юридик
фанлар доктори



Албина ТАДЖИБАЕВА,
Тошкент давлат юридик
университети Жиноят ҳуқуқи ва
криминология кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди



АВСТРАЛИЯДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАХСУС КУРСЛАР КУРАШАДИ

Австралияда федерал тузилма ёки коррупцияга қарши кураш органларининг марказлаштирилган тизими йўқ. Ҳукумат тузилмалари фаолиятини назорат қилиш Австралия миллий жамоат ташкилотлари, парламент ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Ҳар қандай фуқаро бундай комиссияга шикоят қилиш ёки давлат мансабдор шахси томонидан содир этилган коррупция ҳаракати ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга.

Бу ерда коррупцияга қарши асосий таълим дастури Австралия Миллий университети (Канберра) давлат сиёсати факультетида бўлиб ўтадиган "коррупция ва унга қарши кураш усуллари" мавзусидаги махсус курсдир. Тренинг давомида тингловчилар коррупция ҳодисасига турли ёндашувлар ва унинг намоён бўлишига қарши кураш усуллари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, олий ўқув юртлиги ўқитувчилари ва мактабларнинг юқори синф ўқитувчилари учун махсус курслар ҳам мавжуд. Ушбу таълим дастури глобал таълим маркази томонидан таклиф этилган.



АВСТРИЯДА ЎҚИТУВЧИ СИФАТИДА АДЛИЯ ВА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

Австрияда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида уч ҳафталик маълумоти олиш курси мавжуд. Ўқитувчилар сифатида, қонда тарихида, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, олимлар, психологлар, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар таклиф этилади.

Австрия федерал коррупцияга қарши кураш бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун "коррупцияга қарши тренинг" лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бошланғич лойиҳа шакли талабалар ва эксперт-психологлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилди. Лойиҳа талабаларни коррупцияга қарши курашиш ва иқтисодий жиноятлар тушунчалари ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, талабаларга коррупция ҳодиса тўқнашувда ва фуқаронинг ушбу ҳодисага қарши курашишдаги роли тўғрисида хатти-ҳаракатлар намойиш этилади.

Тренингни бошқа қисмида мактаб ўқувчиларига ўйинлар таклиф этилади: ҳар бир ўйин ўқувчи томонидан картани танлаш асосида амалга оширилади, унга роли тушунтирилади. Асосий мавзудан бири сифатида мактабдаги совгалар мавзусига тўхталиб ўтилади. Тренинг сўнггида талабалар тренингни назарий қисмида ўрганилган маълумотларни ўз ичига олган сўровномаларни олади-лар. Ишчи-роқчилар коррупцияни аниқлаб олишлари, унинг сабаблари ва оқибатларини, шу жумладан, ҳуқуқий масалаларни

тушунтиришлари ва коррупцияга қарши кураш бюросининг фаолияти ҳақида гапиришлари керак бўлади.

Ушбу тренингни мақсади юқори синфдаги мактаб ўқувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва жамоат бурчларини тушунтиришдан иборат. Ўтказилган тренинг ёш томошабинлар, яъни 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун кенгайтирилши режалаштирилган.



БУЮК БРИТАНИЯДА КОРРУПЦИЯ ФАКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА МАХСУС ДАРСЛИК БОР

Ҳар йили Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги элчихоналарида коррупцияга қарши кураш бўйича семинарлар ташкил этади (шу каби тадбирлар сўнгги йилларда Буюк Британия, Хитой, Россия, Аргентина, Таиланд, Сингапур, Мексика, Испания ва Бирлашган Араб Амирикларининг дипломатик миссияларида ўтказилди). Дипломатик лавозимларга тайинланган дипломатлар учун икки кунлик интенсив курслар ташкил этилади, улар доирасида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги мутахассислар ТИВ ходимлари билан шахсий интервьюлар ўтказиладилар ва коррупцияга қарши кураш бўйича ёзма ишларни текширадилар.

Халқаро тараққиёт вазирлиги ва Буюк Британия савдо ва инвестициялар агентлигининг қўшма лойиҳаси доирасида коррупция фактларини аниқлаш бўйича махсус дарслик чоп этилди, бу мажбурий равишда хорижий мамлакатлардаги савдо ваколатхоналари ва элчихоналарга юборилади.

Буюк Британияда коррупцияга қарши курашнинг бош органи — катта миқдордаги фирибгарлик бўйича кураш бошқармаси (СФО, Serious Fraud Office) ҳисобланади.

Буюк Британия коррупцияга қарши кураш сиёсатида давлат таълимнинг яна бир хусусияти аҳолининг эътиборини ички коррупция муаммосидан қасддан чалғитишдир. Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларининг ташқи йўналишини сўзсиз қўллаб-қувватлайди.

"Британия коррупцияга қарши кураш форуми", "Transparency international", "Қашшоқликка қарши муҳандислар", "Бош инфраструктура коррупцияга қарши кураш маркази" ва бошқалар каби нодавлат ташкилотлари Лондоннинг коррупцияни глобал бартараф этиш ғоясининг энг фаол номояндалари ҳисобланади. Кўпинча Британия нодавлат ташкилотлари давлат органлари, бизнес ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти институтлари учун коррупцияга қарши таълим дастурларини беғаразлик асосида амалга оширмоқдалар.



ХИНДИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ЙЎҚ

Хиндистонда коррупция муаммоси узок вақт давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мутахассисларнинг фикрича, коррупцияга қарши курашнинг кам самарадорлиги сабабларидан бири аҳоли-

нинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмас. Хиндистон мактабларида коррупцияга қарши таълим дастурлари мавжуд эмас. Юридик коллеж ва университетларда коррупцияга қарши қонунлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти асосан ижтимоий-иқтисодий жиноятлар бўйича ўқув курслари доирасида ёки "оқ ёқа" жиноятлари ёки жиноят-процессуал кодекси доирасида, яъни алоҳида курслар сифатида ўқитилмайди.

Муаммони ҳал этишнинг таъсирчан механизмининг яратилиш мақсадида Марказий комиссия томонидан миллий коррупцияга қарши кураш стратегияси лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ҳужжатда коррупциянинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида порахўрликка нисбатан муросасизлик муносабатларини шакллантириш учун тегишли таълимнинг ўрни муҳимлиги таъкидланади.

Марказий тергов бюроси Академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус курслар ўқитилади.



ИНДОНЕЗИЯ: КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ 9 ТА ҚАДРИЯТ

Индонезияда коррупцияга қарши кураш 2002 йилда ташкил этилган коррупцияга қарши кураш комиссияси (Komisi Pemberantasan Korupsi) ёрдамида давлат даражасида амалга оширилмоқда. "Коррупцияга қарши кураш комиссияси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ушбу орган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳоли ўртасида маърифий тушунтиришлари олиб бориш ва фуқароларнинг коррупцияга қарши хатти-ҳаракатларини шакллантиришга қаратилган таълим дастурларини амалга оширишдир.

Мамлакат таълим муассасаларида коррупцияга қарши дастурлар коррупцияга қарши кураш комиссиясининг Индонезия Миллий таълим вазирлиги билан ҳамкорлигида амалга оширилади. Тегишли курслар ихтиёрий равишда мактаблар ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилади ва факультатив равишда олиб борилади. Уларнинг етакчи ўқитувчилари ва ўргатувчилари (инструкторлари) Жа-

карта ва бошқа бир қатор шахарлардаги коррупцияга қарши кураш комиссиясида олдиндан ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда коррупцияга қарши таълим дастурлари мамлакатнинг 33 та вилоятларидан 11 тасида амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурлар болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар "коррупцияга қарши тўққиз қадриятлар" (ҳалоллик, меҳнатсеварлик, жасорат, масъулият, мустақиллик, адолат, интизом, камтарлик, эътибор) шаклланишини рағбатлантирадиган тематик китоблар (эртақ ва чизик романлари), стол ва роль ўйинлари орқали коррупцияга қарши кураш руҳида тарбияланади. Ўрта мактаб ўқувчилари ва талабалар учун дарслар аънанавий тарзда маърузалар, семинарлар, мунозаралар шаклида ўтказилади.



АҚШДА БЕХОСДАН ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙГАН ХОДИМ ЖАЗОЛАНМАЙДИ

Американинг бошланғич ва ўрта мактабларида ижтимоий этика бўйича машғулотлар олиб борилмақда.

АҚШ расмий ахлоқий идораси ўз веб-сайтида ижро этувчи органларда ходимлар учун зарур ахлоқий фазилатларга эга бўлиш ҳақида маълумот беради. Деярли барча АҚШ маърифат органларида мунтазам равишда (одатда йилига бир марта) коррупцияга қарши кураш бўйича тренинглар ўтказилади. Кўпгина идораларда суиистеъмолликни аниқлаш учун ички назорат хизмати (Internal Revenue Service) каби махсус бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, доимий равишда расмий мувофиқлик масалалари бўйича маълумотлар ишлайди, уларга ёрдам ёки маслаҳат учун мурожаат қилинади. Агар расмий шахс нотўғри иш қилган бўлса-да, бунинг учун ички назорат хизмати ходими томонидан олдиндан кўрсатма берилган бўлса, у жазоланмайди. Ушбу қоида беҳосдан хатога йўл қўядиган ҳалол ходимларни рағбатлантиришга қаратилган.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИБ, АЙТИШ МУМКИНИ, КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАРАЁНИ АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ БИЛАН БОГЛИҚ.

Биринчидан, одамлар онгида ҳуқуқий тушунча, тасаввур, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларга шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг турли соҳалари (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиёт, суд, суд жараёни, жазо тайинлаш, адлия органлари хизмати, прокуратура ва бошқалар) ҳақида ҳам тушунча бўлиши зарур.

Иккинчидан, шахс ҳуқуқий онгининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг келажакга таъсир этади. Шу сабаб амалдаги қонун ҳужжатларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Учинчидан, шахс ҳуқуқий таълим орқали ҳуқуқ асосларини, унинг асосий нормаларини билиб олади. Шундагина ҳуқуқий билимларни ҳаётга татбиқ этиш, қонунга риоя этишни шакллантириш, ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизликка эришилади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий талаблар онда акс этиб, шахс томонидан англанди, тушунилади ва ўзлаштирилади, инсоннинг ҳуқуққа муносабатини белгиловчи таассурот ва ишончни пайдо қилади. Бу шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда янги усул ва воситаларни тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Бешинчидан, конституциявий саводхонлик ҳуқуқий онгни шакллантиришда муҳим омили эканлиги сабабли ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини излаш керак.

Айнан шунинг учун ҳам шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш орқали мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ислохотларни тўғри англаймиз, уларга мослашамиз.

5 ХУЛОСА ВА 5 ТАКЛИФ

24 соат эмас, ақл билан ишланг

ОДАТДА юқори давлат ташкилотлари ва вазирликларда ходимларнинг иш вақти белгиланган чегаралардан ошиб кетади. Кунбўйи ва кечки пайтда ҳам идорада компьютер қаршисида банд бўлишга, албатта, иш ҳажмининг катталиги ва улгурмаслик сабаб бўлиши мумкин.

Адлия вазирлиги тизимида эса бу борада бошқача тартиб амал қилаяпти. Ҳар куни иш якунланиши билан хизмат компьютерлари автоматик равишда ўчирилади. Бу билан ходимларнинг иш вақти тугагач, ишхонада қолмаслиги, оиласи билан мазмунли вақт ўтказиши, ортиқча асабузарликларга йўл қўймаслик ва ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш мақсад қилинган.

Адлия вазири Русланбек Давлетовнинг айтишича, 2020 йилдан амалиётга татбиқ этилган иш режими ишхоналарда анъанавий ишлаш услубига ижобий таъсир қилиши керак. Бу масала 3 февраль куни ўтказилган вазирликнинг 2019 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот тадбирида муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, кўп ишлаш иккита ҳолатда намён бўлади: Биринчиси, иш берувчи мажбурийди, иккинчиси, ходимнинг ўзи ишни якунлашга улгурмайди. Бизда айнан иш берувчининг мажбурияти оқибатида иш вақтидан ташқари ишлаш ҳолатлари кўп учрайди. Автоматик тарзда компьютерларнинг ўчирилиши натижасида эса иш берувчига ҳам ходимга ҳам иш ҳажмини кўпайтириш учун бирор асос қолмайди.

“Илтимо, компьютерларимизни ўчирманг!”

Маълум бўлишича, вазирликда янги иш услуби жорий қилинган, баъзи ходимлар компьютерни ўчирмаслики илтимо қилинган. Айримлар: “Менда кечкурун илҳом келади, уйда ишлай олмайман, илтимо, компьютерларни ўчирманг” — дейишган. Аммо Р. Давлетовнинг фикрича,

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ДАВРИДА ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

бўлар-бўлмас ишларни йиғиштириб, бюрократияга чек қўйиш керак. **Ходимлар 24 соат эмас, ақл билан ишлашлари лозим.** Яъни, вақтдан унумли фойдаланиш, муҳим ишни вақтида ва тезкорлик билан бажариш, кун тартибини тўғри тақсимлаш керак. Шунда ишдан натижа ва самара бўлади.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши аслида меҳнат фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, қолаверса, ҳуқуқий демократик давлатда барча ишчи ходимларнинг (хоҳ у юқори давлат органида ишласин, хоҳ бошқа жойда) меҳнат ҳуқуқларини рўйбга чиқариш билан боғлиқ.

Ишдан ташқари соатларда ҳам ишлайдиган ходимлар фаолиятида кўйидаги салбий натижалар бўлади:

- оилавий муносабатлар ва яқинларга вақт ажратилмайди;
- иш режа нотўғри ташкил этилади;
- энергоресурслардан оқилона фойдаланилмайди;
- меҳнат маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

Давлат органи халқ учун қулай бўлиши керак

Вазирлик томонидан турли идоралардаги ортиқча қоғозбозликка чек қўйиш масаласида муҳим чоралар кўрилаяпти. Ана шундай чоралардан бири маҳаллардан бериладиган ҳар хил маълумотномаларга чек қўйиш бўлди.

Маҳаллар ва бошқа ташкилотлар томонидан бериб келинган маълумотномалар жуда кўп эди ва бу фуқароларнинг овозгарчилигига сабаб бўларди. Илгари маҳалладан 28 турдаги маълумотномалар берилган. Бу бир йилда 40 миллионга маълумотнома дегани. Бу нарса одамлар-

нинг ҳаётига таъсир қилган, югур-югурларни кўпайтирган. Ҳозирда буларнинг ҳаммаси бекор бўлди. Бирор идора томонидан маҳалладан маълумотнома олиб кел, деб талаб қилиш мумкин эмас.

Адлия вазири бу борада кўйидаги фикрларини билдирди: “Маҳалла ҳеч қачон ўзи берган маълумотномага жавоб ҳам бермаган. Шунинг учун умумий бир қандайдир тизим шаклланиб, бюрократияни ичига кириб кетган эдикки, ҳозир секин-секин бу тизимдан ташкилотларни олиб чиқиш йўлларини ўйлаялмиш. Руҳий касалликлар диспансери билан наркология диспансерида бир йилда фуқароларимизга 500 мингта маълумотнома берилар экан. Сиз Мўйноқда яшасангиз, Тахياتидаги диспансера келиб маълумотномани олишингиз керак.

Пул тўлашингиз керак, неча пул тўлайсиз, унинг миқдорини ҳеч ким ёзмаган, жавобини қанча вақт кутиш керак? Бу ерда овозгарчиликлар қанчалик кўп бўлган. Ҳукумат бу борада бизнинг тақлимизни қўллаб-қувватлади, 1 мартдан бундай маълумотномалар давлат хизматлари марказлари орқали бериладиган бўлаяпти. Олдин республика миқёсида 4 та жойдан ушбу маълумотнома берилган бўлса, энди 200 та тумандан берилди. Ҳар ким ўз туманидан маълумотномасини олиши мумкин”.

Идоралар ҳали-ҳамон бир неча хил ҳужжат, фотосурат, маълумотномалар талаб қилади. Аслида бу маълумотларнинг ҳаммаси ички ишлар органидан интеграция тизими орқали олиниши керак эмасми? Адлия вазири мана шу масалага ҳам

В.Маяковский:

*Бўридай ғажирдим бюрократизмни,
Ҳар хил мандатларга йўқ менда ихлос.
Қоғозбозликни йўқ кўргани кўзим,
Қуриб кетмайдими ҳар қандай қоғоз.*

С.Паркинсон

Бюрократия — бу балиқ йўқ жойда балиқ овлашга ўхшайди.

Оноре де Бальзак:

Бюрократия — бу заиф (қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган) одамлар томонидан бошқариладиган улкан механизмдир.

тўхталди. Давлат органлари халқ учун жуда қулай бўлиши, қийинчиликлар яратмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлади.

Рақамли иқтисодиёт даврида ортиқча қоғозбозликка ўрин йўқ, деялмиш. Аслида ҳамма маълумотлар фақат қоғозда бўлган даврларда ҳам ўша ортиқча маълумотномалар ортиқча эди. Беҳуда вақт сарфи ва овозгарчилик туфайли одамларнинг бу борадаги норозиликларини ўша пайтларда ҳам бўлган. Бугун эса технологиялар асрида яшар эканмиш, ҳеч қандай нафи бўлмайдиган бюрократик тўсиқларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бу борада юқори ташкилотларнинг ташаббускорлиги ва хайрихоҳлиги муҳимдир.

Мадҳия АВАЗОВА “Инсон ва қонун” муҳбири

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛЯПТИ

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлисга Мурожаатномасини оила аъзоларимиз даврасида тингладик. Юртбошимиз Мурожаатномада мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда эришилган ютуқларни халқ тилида таҳлил қилиб берди. Айниқса, билим ва малакали, ёрқин ғоялар ва ташаббускор, ислохотчи янги авлод кадрларини етиштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, яқин йилларда Ўзбекистон ёшларини 50-60 фоизи олий таълим билан қамраб олиниши, давлат гранти икки баробарга ортиши, бундан ташқари, қизлар учун алоҳида грантлар очилиши, ОТМларга кириш имтиҳонларининг соддалаштирилиши, мен каби коллежларда таҳсил олаётган барча тенгдошларимнинг энг буюк орзулари амалга ошишига тамал тоши бўлади.

Гулнозахон СУЯРОВА,
Сирдарё вилоят юридик коллежи ўқувчиси

КАТТА ИНЪОМ!

— Мен бир йилдан кейин коллеж битирувчиси бўламан. Қарабсизки, олдимда машаққатли яна бир йўл турибди. Яъни йлий ўқув юртига ўқишга киришим керак. Аминманки, мен каби фикрлайдиган барча коллеж талабаларининг ҳам мақсади шу.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида биз каби ёшларнинг келажаги, билим савиямизни ошириш ҳамда олий маълумотли бўлишимиз учун жуда муҳим гаплар айтилди.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишга урғу берилди. Шунингдек олий ўқув юртига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтириш таъкидланди. Шу ўринда, кўплаб мактаб ва коллеж битирувчиларнинг ўқишга кириши иштиёқи янада ортан бўлса, не ажаб. Айниқса, давлат грантларининг 2 баробарга кўпайиши умидсизликка тушган абитуриентларга катта инъом бўлди десам, адашмайман.

Азимжон САЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик коллежи ўқувчиси



ХАЛҚИНИНГ манфаатини кўзлаб фаолият юритаётган ва айтиш мумкин, одамларнинг овора бўлмашликлари учун давлат хизмат марказларининг ўрни катта. Бу, аввало, халқимизнинг турли идора ва ташкилотларга хужжат сўраб мурожаат қилишлари ва оворагарчиликларига чек қўйди. Энг асосийси, тамагирлик, пора, деган сўзларга ўрин қолмапти. Шунини айтиш керакки, мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган давлат хизматлари тизими изчил такомиллашиб, уларнинг широрига тезкор ва шаффоф хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган. Тўғри, давлат хизматлари марказлари ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ана шу қисқа вақт мобайнида бу тизим ўзининг хизмати билан кўпчилик эътирофига лойиқ бўлмоқда.

Холисона хизмат, ХАЛҚИМИЗ ЭЪТИРОФИДА

— Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги Қарори билан фаолияти йўлга қўйилган давлат хизматлари маркази қисқа фурсат ичида ўзининг аниқ йўлини топиб олди. Эътиборлиси шундаки, ушбу Давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилган вақтда 33 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, ўтган давр ичида ушбу хизматлар тури 120 дан ошди.

Шунини айтиш керакки, вилоятимизнинг туман ва шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан ўтган 2018 йили аҳолига 478 мингдан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1 миллиондан ошди. Шундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ташкил этилган давлат хизматлари марказлари хизматларига эътиҳ қатта. Шунини ҳисобга олиб, вилоятимизнинг узоқ ҳудудлари бўлган Нуробод туманидан 130 км. узоқликда бўлган Саҳоба қишлоғидан, Қўшрабод тумани марказидан 120 км. узоқликда бўлган Жонбулоқ МФИда давлат хизматлари марказларининг филиаллари ташкил этилди. Шунингдек, ўтган 2019 йилдан Нуробод, Қўшрабод, Пахтачи, Самарқанд, Иштихон туманларидан давлат хизматлари идораларининг янги бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу давлат хизматлари марказлари биноси қошида нотариус, адлия ва ФХДЭ бўлимлари, Халқ қабулхоналари ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу марказларда болалар хонаси, инвесторлар учун махсус жиҳозланган хона, тиббиёт ва банк кассалари хоналари мавжуд. Бугун давлат хизматлари сони ва унинг сифат салмоғи кунсайин ошиб бормоқда. Барча техник воситалар билан жиҳозланган ҳамда туман ва шаҳар давлат хизматлари марказларининг "Дамас" русумли автоматизациялари туман ва шаҳардан олиб жойлардаги маҳаллаларда сайёр тартибда 36 607 нафар фуқарога давлат хизматлари кўрсатди. Утказилаётган сайёр тадбирларда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор фуқаролардан хабар олиш, уларга давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Яқинда вилоятнинг узоқ туманларидан бири бўлган Қўшрабод туманининг Зарметан, Заркент ва Бойтуп маҳаллаларида вилоят бошқармаси масъул ходимлари ҳамда Қўшрабод тумани давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан сайёр қабул ташкил этилиб, унда 200 га яқин маҳалла фуқароларига 10 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилди.

— Ташкил этилган сайёр қабулга сингилм билан келдим. Бизга тикувчилик цехи ташкил этиш учун банкдан кредит олиш бўйича мурожаатимиз ижобий ҳал этилди. Давлат хизматлари фаолиятдан мамнунимиз. Бундай сайёр қабулларнинг ташкил этилиши фуқароларга енгиллик яратиш билан бирга уларнинг вақтлари ва ортиқча маблағларини тежашда катта ёрдам беради, — дейди Зарметан маҳалласида яшовчи Лола Шодмонова.

Шунини айтиш керакки, Самарқанд вилояти Давлат хизматлари марказида фуқаролар учун қўлай шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ўтган 2019 йилнинг март ойидан бошлаб тадбиркорлар учун банк ҳисоб рақамини масофадан туриб очиш имконияти яратилди. Бунда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар ўзига маъқул банкни танлайди ва 5 дақиқа ичида банк ҳисоб рақамини очди. Шунингдек, ўтган 2019 йил 1 апрелидан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари экстерриториал тамойил бўйича олиш белгиланди. Яъни, фуқаролар доимий, (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойдан юридик шахслар почта манзилдан (жойлашган еридан) қатъи назар исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш имконияти яратилган. Масалан, республикаимизнинг исталган шахрида фаолият юритишни мақсад қилган тадбиркор ўз яшаш ҳудуди марказлари орқали рўйхатдан ўтиши мумкин.

Шунини мамнуният билан айтиш керакки, биз бугун фаолият юритаётган Самарқанд вилоят Давлат хизматлари Агентлиги "2019 йилнинг энг намунали жамоат ташкилоти" номинациясида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Бу эса ушбу марказнинг халқимизга қилаётган холисона хизматларидан далолат беради.

Фахрудин ҚЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилоят Давлат хизматлари
Агентлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари

МУРОЖААТЛАР ОШМОҚДА... ЛЕКИН МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ, НАТИЖАСИ, САМАРАСИ МУҲИМ

Довоми. Бошлониши 1-бетдо

Кейинги йилларда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан 24 та қонун ҳужжатлари қабул қилиниди. Бу ҳужжатлар адлия соҳасини ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди.


Яна бир муҳим янгилик, нотариуслар фаолияти ҳам такомиллашмоқда, хусусий нотариуслар ўз фаолиятини бошлади. Энди халқ сарсон бўлиб ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўйича нотариусларни излаб юрмайди. Хусусий нотариуслар кўпайса, улар орасида соғлом рақобат кучаяди. Бу эса фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматлар сифатини кафолатлайди.

Мақсад қандай ва қайси соҳада бўлмасин, жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар халқ манфаатига хизмат қилсин.

Биргина мисол, 2015 йилда Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан 20 та қонун қабул қилинган. Энди эътибор беринг, 2019 йилнинг ўзида 85 та қонун қабул қилинган. Бу қайси соҳа бўлмасин, халқимизга хизмат қиладиган механизмнинг яратилаётганидан, ислохотларнинг шиддат билан олиб борилаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, ўтган сўнгги йилда икки мингдан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Асосий масала бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ва ундаги қоидаларни амалда таъбиқ этишдир. Шу жиҳатдан, Ўртбошимиз томонидан қабул қилинган "Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмининг асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингнинг ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Шунингдек, давлат бошқаруви органларига ҳар йили 1 февралга қадар ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантириши ва биринчи раҳбар имзоси билан Адлия вазирлигига тақдим этиш кўрсатиб ўтилди.

Адлия, деганда одамларнинг кўз олдида адолат, инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, давлат ва халқ ўртасидаги ҳуқуқий мезон бўла оладиган тарози гавдаланмаётганлиги бу бизнинг ютуғимиз. Бу борада ҳам вилоятда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда Ҳазрат Навоийнинг "Манга қилса юз жафо, бир қатра фарёд айламам, Элга қилса бир жафо, юз қатра фарёд айларам" мисрасига алоҳида ургу бермоқчиман. Бобоқалонимиз агар менга юз жафо қилсанг ҳам парвойимга келмайди, аммо халқга бир жафо қилсанг, юз бора фарёд чекаман, деган шахсий манфаатдан халқ манфаатини устун



кўймоқдалар. Бу эса давлатимиз раҳбарининг бугун илгари сураётган халқни рози қилиш ғоясига жуда ҳамоҳангдир.

Навобий вилоят адлия бошқармасига 2019 йилда 3162 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 1676 та, қарийб 2 баробар кўп. Демак халқда адлияга ишонч кучаймоқда. Ўтган 2019 йилда бошқарманинг "Ишонч телефони"га жами 86 та мурожаат келиб тушган. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 56 та кўп. Бир қарашда бу рақамлар чўмичга илинмайдигандек, аммо ҳар бир мурожаатнинг ортида инсонлар тақдири, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари турибди.

Шунингдек, халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолининг реал ҳаётидан хабардор бўлиш, уларга кўмак кўрсатиш мақсадида ўтган 2019 йилда ўтказилган сайёр тадбирлар довомида 1200 дан ортиқ мурожаатлар ижобий қаноатлантирилди. Қолаверса, сайёр қабуллар жараёнида масъул ташкилотлар ҳудудлар кесимида уйма-уй юриб фуқаролар қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор этилди. Қарийб 10 мингдан ортиқ хонадонларга кириб уйма-уй юриш натижасида кўпчилик олдида айтолмаган аҳолининг муаммолари бирма-бир таҳлил этилди, уларнинг ҳуқуқий ечимлари кўрсатиб берилди.

Шунингдек, туман-шаҳар адлия бўлимлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб, 2019 йилда судларга 1 924 217 минг сўмлик 912 та даъво аризаси киритилган.

Киритилган даъво аризаларига асосан 1 458 515 минг сўм пул маблағи ундирилиши таъминланган.

Бошқарма томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари юзасидан судларга 7, 6 миллиард сўмлик мингта яқин даъво аризалари киритилди. Бу шунчаки сумма эмас, бу мамлакатимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз драйвери бўлган тадбиркорларимиз учун буқилмас ирода, келажакка ишонч, дегани.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан 2018 йилда 112 та ташкилот фаолияти мониторинг қилиниб, қонунчиликни та-

комиллаштириш бўйича 169 та таклиф берилган бўлса, 2019 йилда 174 та ташкилот фаолияти мониторинг қилиниб, қарийб икки юзга яқин қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада кучайтириш бўйича таклифлар берилди.

Яна бир масала. Эътиборингизни Хитой файласуфи Конфуцийнинг "Агар режангиз бир йиллик бўлса шולי экин, ўн йиллик бўлса дарахт экин, бир умрлик бўлса болаларингизни тарбияланг" иборасига қаратмоқчиман. Демак, бундан минг йил олдин берилган маслаҳат худди бугунки қўриб айтилгандек. Чунки бугун ёшларнинг тарбияси, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши муросасизлик кайфиятини шакллантириш ҳар қачонгидан муҳим.

Вилоятда ёшлар орасида "тенгдош-тенгдошга" принципи асосида талабалар, юридик коллеж ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларида иборат кўнгиллиларнинг "Street law" (Кўча ҳуқуқи) гуруҳи шакллантирилган. Гуруҳ томонидан ёшларга ватанпарварликни тарғиб қилиш, гивёҳандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий маълумотлар берилиб, айниқса, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга ошириш бўйича тарғибот тадбирлари олиб борилаётган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Бугунги глобаллашув, турли ахборот хуружлари даврида аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишдаги тарғибот ишлари етарлими? Тўғри, 2018 йилда бу борада 9 мингта яқин ҳуқуқий тарғибот лойиҳалари амалга оширилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 16 мингдан орти, деярли 2 баробарга ошди. Лекин бу ютуқлар билан чеғараланиб қолиш керак эмас. Чунки Президентимиз таъбири билан айтганда, кечаги марралар бугунги марраларга тўғри келмайди. Замон биздан фаоллиқни талаб этапти.

Шерзод БАҲРОНОВ,
Навобий вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи

ШАЙХОҲТОҲУР туманида яшовчи, муқаддам судланган Зебо Набиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) иккинчи бор фирибгарлик жиноятига қўл урди.

Бир танга МИНГ ТАНГА бўлмади



Гап шундаки, З.Набиева таниши М.Алимовнинг ишончига кириб, унга чет давлатдан арзон нархда шакар маҳсулоти олиб келишини, кейинчалик уни Ўзбекистонда баланд нархда сотиб, фойда кўришни таклиф қилади. Бир тангаси минг танга бўлиши мумкинлигини фараз қилган М.Алимова ўйлаб ҳам ўтирмай З.Набиевага 4.400 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни қўшқўллаб топширади. Шу аснода устумон, фирибгарлик йўли билан осонгина қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди.

З.Набиева бу билан қаноатланмади. У яна ҳаракатга тушиб ўзига Б.Пўлатовни шерик қилди. Фирибгарлар бу сафар ўлжанинг каттарогини мўлжаллади. Яъни, О.Қамаровага Қарши шаҳрида жойлашган "Шуртан Газ Маҳсулот" МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқариловчи "Карбамид" маҳсулотини Тошкент шаҳрига олиб келиб, уни сотиш ва катта миқдорда даромадга эга бўлиши мумкинлигини айтади. Бундай "ёғлиқина" ишга бажонидил рози бўлган жабрдийда, шерик фирибгарларга 25.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни инъом қилади.

Одатдагидек қўлга киритилган пуллар "ўз жойини" топиб кетди, ваъдалар эса саробга айланди. Ҳа, "Туруч курмасиз" бўлмаганидек, орамизда ана шундай фирибгар, ёлгонни ростга айлантирадиган устасифаранглар борлиги ҳақиқат! Лекин охири-оқибат қонун ва адолат голиб бўлиши ҳам муқаррар. Бу фирибгарларнинг ҳийла-найранглари узоққа бормади. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек улар ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли, деб топилиб, З.Набиевага оид жиноят иши кўриб чиқилди.

Жазо тайинланди, етказилган зарар қопланди, ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жиноят иши якун топди. З.Набиеванинг ўз қилмишларидан пушаймонлигини эса вақт кўрсатади.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

БИРИНИ ЁШ ДЕСАК, БИРИНИ... Сизни-чи, сизни нима жин урди?

Шайтон ҳар доим одамни ўзига оғдириб, ўзига қўл қилиб олмақчи бўлади. Унинг тузоқларига тушган киши эса ўзлигидан жудо бўлади. Ичкилик ҳам, шубҳасиз, унинг тузоқларидан биридир. Мастлик инсонни ҳар йўлга бошлайди, жиноятларга сабабчи бўлади. Ёши олтишдан ошган Расул Мелиев (исм-шарифлар ўзгартирилган)ни ҳам суднинг қора курсисига бошлаган ана шу ичкилик бўлди.



Қисқаси, мазкур воқеа шундай бўлган эди. Кунларнинг бирида чойхонага бориб чойхўрлик эмас, ароқхўрлик қилади. Шубҳасизки, бу "қурғур"ни ичгандан кейин ювош ҳам шерга айланади. Р.Мелиев ҳам шундай бўлди. Чойхонага келган икки таниши Насимов ва Суяровларни кўриб, уларни бўралатиб

сўқади. Эски адоватлари бўлганлиги сабабми, сўкиб хуморидан чиқмаган Р.Мелиев аламини пичоқ орқали олмақчи бўлади. Ташқарига чиққан танишларининг изидан чиқади ва Насимовга пичоқ билан, тан жароҳати етказади.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Мелиев ҳам қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди. У жиноятига иқроор бўлиб, "оқ шайтон"нинг қора макрига учганлигидан пушаймон эканлигини тан олди. Насимов ҳам инсо-

нийлик доирасидан келиб чиқиб, Мелиевга давоси йўқлигини маълумлади. Маҳалла раиси ҳам инсонпарварликка хос тарзда суддан Мелиевнинг яхши инсонлигини, хулқини ўзгартиришига ҳаракат қилаётганини, кекса ёшда эканлигини, унга бутун маҳалла номидан кафолат беришини айтиб, Мелиевга қамқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашини сўради.

Кечиримлилик халқимизга хос фазилатдир. Суд юқорида айтилган фикрларни инобатга олиб, Мелиевга 4 йил муддатга озодлиқни чеклаш жазосини тайинлади. Энг муҳими, Мелиев бу имкониятдан тўғри хулоса чиқарган бўлса, ажабмас. Зеро, кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади.

А.ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди судьяси,
Жонибек АЛИЖОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ АЖРАТИЛДИ

2020 ЙИЛ 29 январь куни Термиз туман адлия бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг 2019 йил 17-18 октябрь кунлари вилоятта ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича Адлия вазири ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокими ўртасида имзоланган Йўл харитаси доирасида "Адлия сайли" ташкиллаштирилди.

Сайлга ташриф буюрган фуқароларга давлат нотариал идоралари, ФХДЁ, адвокатлар, давлат хизматлари марказлари, бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари ходимлари томонидан бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, соҳага оид флаер ва буклетлар тарқатилди.

Бундан ташқари, ушбу сайил давомида фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатлари ҳам қабул қилинди.

Жумладан, Термиз туман "Учқизил" маҳалласида яшовчи фуқаро Қаршиев Илҳом Ҳайдаровичнинг 5 миллион сўм миқдоридаги истеъмол кредитини ажратишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати туман адлия бўлими аралашуви билан тўлиқ қаноатлантирилди ва унга 5 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи АТ "Халқ банки" Термиз туман филиали томонидан ажратилди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиги

ФУҚАРОГА БУЗИЛГАН БИНО ЭВАЗИГА ЕР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

ЗАФАРЖОН Шамуратовнинг бундан бир неча ой аввал Наманган шаҳридаги Ҳамроҳ кўчасига туташ ҳудудда жойлашган савдо дўкони бузилган, лекин унга етказилган зарар ва тенг қийматли ер майдони ажрати берилмаган.

Фуқаро Наманган шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди. Маълум бўлишича, Наманган шаҳар ҳокимининг 2017 йил 2 август куни "Наманган шаҳар бош режасига асосан Ҳамроҳ кўчасида қайта қуриш, кенг қўламда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳақида"ги 994-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур ҳудудларда бузиш ишлари амалга оширилган.

Бўлим томонидан мурожаат атрофлича ўрганлиб, унинг қонуний ечимиз изланди. Наманган шаҳар ҳокимлигига З.Шамуратовга тегишли бўлган савдо дўкони бузилиши натижасида олиб қўйилган ер майдони ўрнига шаҳар ҳудудидан 54,0 м² ер майдони ажратиб бериш ҳамда етказилган зарар қийма-

тини тўлаб бериш тўрсида тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимнома Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилди. Наманган шаҳар ҳокимининг 2020 йил 18 январьдаги 50-сонли қарори билан, фуқаро З.Шамуратовга тегишли бўлган бузилган бино ва иншоотлар майдонига мутаносиб бўлган ер майдони таклиф қилиш ҳамда кадастр ҳужжатларида кўрсатилган 8.219.132 сўм миқдоридаги маблағни "Янгиқўрғон қурилиш монтаж" МЧЖ томонидан тўлаб бериш белгиланди.

Муроджон РАҲМОНОВ,
Наманган шаҳар адлия бўлими бошлиги



ЭЪЛОНЛАР

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўрсида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнунига мувофиқ бошқарманинг 2020 йил 21 январьдаги 18-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "БОГИШАМОЛ" адвокатлар ҳайъати адвокати Мусурмонов Ахрор Ярашевнича 2018 йил 19 декабрда берилган SA 000049-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 28 январьдаги 9-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан адвокат Агаёмов Баҳодир Нормаматовичга 2017 йил 12 апрелда берилган NV №000118-рақамли ва адвокат Пирматов Комил Каримовичга 2017 йил 12 апрелда берилган NV №000119-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокат мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 28 январьдаги буйруғига асосан Қасби туманидаги "Хайрулла хуқуқлари" адвокатлик бюроси адвокати Абдуллаев Хайриллога бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000048-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақоми тикланиб, 47-сонли адвокатлик гувоҳномаси қайтариб берилганлиги маълум қилинади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан Ашуров Миржалош Мусоевичга 2018 йил 24 декабрда берилган TS 000110 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида берилган адвокатлик мақоми 2020 йил 15 январьда "Advokat Day" адвокатлик фирмасига ишга қабул қилинганлиги муносабати билан адвокатлик мақоми тикланиши ҳамда унга 259 сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

ИНСОН ҚОНУН
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёев Шерзод Миржалолович
Тоҳиев Фуқрат Шомуродович
Исқандаров Ёрбек Нурбоевич
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулҳаё Нурметова
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терижди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳамда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 6154
Буюртма — V-4057

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 00:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келинган нархда
1 2 3 4 5

Эндигина 26 ёшга кирган фирибгарнинг турмуш ўртоғи унинг кирдикорларидан мутлақо хабарсиз эди. Шу боис, НКВД ходимлари ўртоқ Пургинни ҳибсга олиш учун ярим кечаси унинг уйига бостириб киришганида, Пургина хоним бутунлай эсдан огай деди: — Нима қилаётганингизни тушунмайяпсиз чоғи? Ахир у Совет Иттифоқи қаҳрамони! Фин урушида қатнашиб, яраланган. Қаҳрамонлик кўрсатган одамнинг кўлига кишан солишга қандай ҳаддингиз сиғди? Мен ҳозир ўртоқ Сталинга кўнғироқ қиламан.

Бу тарифлар ҳақиқатан эшитган қулоқни чўчитадиган даражада эди-я, агар-да бу борадаги ҳужжатлар қалбаки бўлмаганда. Кейинчалик бу шўрлик аёл 31 яшар Валентин Пургиннинг аслида 26 ёшли Владимир Голубенко эканлиги, унинг ўғриллик, товламачилик ва фирибгарлик жиноятлари учун икки бор қамалиб чиққанлигини билгач қандай ҳолатта тушганлигини тасаввур қилинг-а... Лекин ҳа, яна бир лекин фириб бобида устаси фаранг Владимир Голубенконинг кўксига осилган "Олтин юлдуз" медали, бошқа орден ва гувоҳномалари қалбаки эмас, ҳақиқий эди! Бу ҳолатнинг бошқа жиноятлардан ажралиб турадиган эътиборли жиҳати шундаки, собиқ СССР тарихида бунгача на алдов ва на фирибгарлик йўли билан давлатнинг бу каби энг олий мукофотига ҳеч ким эришмаган, бундай бирорта жиноят ҳам содир этилмаган эди ва ундан кейин ҳам бўлмади.

Ўлгудай шухратпараст

Владимир фирибгарлик бобида манами деган фильм қаҳрамонларини ҳам ярим йўлда қолдириб кетди. Уралнинг кичик бир шаҳарчасида оддий ишчи ва фаррош оиласида туғилган болакайнинг оламшумул жиноятчи айланishi ким ҳам ўйлабди, дейсиз. У илк бор майда ўғриллик учун қамалиб чиққанида 19 ёшда эди. Орадан кўп вақт ўтмай, фирибгарлик учун яна меҳнат

СТАЛИННИ ЧУВ ТУШИРГАН ОДДИЙ ЎҒРИГИНА БОЛА

Собиқ СССР тарихида бундай шармандали фирибгарлик ҳеч қачон содир бўлмаган эди

тарбия колониясига жўнатилган Голубенко у ердан қочишга муваффақ бўлди. Йулвочи поездда нотаниш одамнинг ҳужжатларини ўғирлади ва паспортдаги расми ўрнига моҳирлик билан ўзиникини ёпиштиргач, ўзидан беш ёш катта Валентин Петрович Пургинга айланди кўйди.

Одатда ўғрилар кўздан панада юришни маъқул қуришади. Лекин Голубенко оддий ўғрилардан эмасди-да. У бирваракайига бойлик ва шон-шухратга эришишга аҳд қилди ва янги ҳаёт сари дадил қадам ташлади. Сохта Пургин ўзи учун ўта моҳирлик билан Ҳарбий транспорт академиясининг битирувчиси, академиядан тавсифнома ва йўлланма каби қалбаки ҳужжатлар ясади. Даставвал Свердловск шаҳридаги "Путёвка" газетасининг муҳбири лавозимига ишга жойлашди. Сўнгра парвозни юқориоққа, Москва томон бурди. Собиқ ўғригина бола тез орада оёрли "Комсомольская правда" газетасининг ҳарбий бўлим мудири ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Ҳар соҳанинг ўз устаси бўлгани каби, Голубенко-Пургиннинг фирибгарлик маҳорати табиқан берилган. Сўзамол, зиёлинома арфи анғори ёқимтойгина, одамлар орасида ўзини тутишини ҳам биларди. Янги лавозимда орттирган дўстлари даврасида очқ-ойдин бўлмаса ҳам, у ўзини НКВДнинг махфий агенти эканлигига шама қиларди. Гоҳида ишда кўнрагида Қизил Юлдуз ордени билан пайдо бўлиб, кўпчиликнинг юрагини ўйнатарди. Бундай юксак унвонга қайси хизматлари эвазига эришганлигини сўраб қолишгудек бўлса, юзига сирли тус бериб, "айтишга ҳаққим йўқ", дегандек елка қисиб қўярди.

Онасини ҳам аралаштирди

Аслида, бу шон-шухратнинг бари олдиндан ўйлаб амалга оширилган жўнган товламачилик маҳсули эди холос. Валентин Петрович Москвага келгандаёқ, келажагини ўйлаб ошна-оғайнилари билан ёрдами билан онасини СССР Олий Мажлис Президиуми Биринчи танги фаррошликка ишга жойлаштирган. Онахон "бутуниттифонқ етакчиси" Михаил Калининнинг кабинетини ҳам тозаларди. Аёл ўғлининг илтимосига кўра, у ердан ҳақиқий орден ва мукофот ёрликларини ўғирлаб, унга келтириб берганди. У пайтларда ҳозиргидек кузатув камералари бўлмагани сабабли, бу ўғриллик ҳеч бир қийинчилик туғдирмаган. Давлат раҳбарининг имзосини эса бир пайтлар у билан бирга колонияда жазони ўтаган расмом маромига етказиб ясаб берди. Шу тарзда найрангиб урта орден ва уларни тақдир юз ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлди.

Устамон фирибгарнинг иштаҳаси борган сари очилиб борарди. Япон-мўғул ҳарбий тўқнашуви аини қизиган бир пайтда у "Комсомолька" газетаси томонидан мақола тайёрлаш учун Халхин-Голга хизмат сафарига юборилади.

Маълум вақт ўтгач, тахририят "Ўртоқ В.П.Пургин жанг пайтида ярадор бўлиб, Узоқ Шарқда госпиталда даволанмоқда" мазмундаги хабар олади. Орқасидан эса Валентин Петрович Ленин ордени билан Москвага қайтиб келади. Ҳа, бу ҳам фирибгарнинг навбатдаги найранглиридан бири



ОДДИЙ ўғригина бола ҳатто давлат ар-бобларини ҳам онс-гина лақиллатиб, бир қатор олий давлат мукофотларини қўлга киритса-я?

Нафс ўпқони очилгач...

Бошқаларга бундай улкан шон-шухрат, олий мукофотлар, катта пул ва оёр кўпдек кўринса бордир, лекин эндигина 26 ёшли йигит учун ўз оёғи билан силлиққина кириб келган бу ютуқ ўзига оздек туюлаверди. 1940 йил бошларида унинг кўзи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия қилинган бир гуруҳ совет-фин жанги қатнашчиларининг рўйхатидаги тушиб қолди. Шу онда кўнгли Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини тусаб қолди. Тез фурсатда калласида режа пишди ва пайсалламай ишга киришди. Қачонлардир 39-маҳсус штабда хизмат сафарига бўлган вақтида ўғирлаб олинган бланкалар яна қўл келди. Мазкур штаб бошлиғи номидан СССР Қурулпи Кучлари таркибидаги қўмитага ўртоқ В.П.Пургинни юксак унвон билан тақдирлаш ҳақида тақдимнома юборди. Хатда унинг Ленин ордени ва Қизил юлдуз ордени соҳиби эканлиги, финлар билан жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, оғир ярадор бўлгани алоҳида

таъкидлаб ўтилди. Қарангки, яна товламачига омад қулиб боқди. Политбюро хатдаги фактларни текшириб ҳам кўрмай қарор қабул қилди. 1940 йил 22 апрельда "Комсомольская правда"да Валентин Петрович Пургинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берилганлиги ҳақида хабар чоп этилди. Пургин-Голубенко "еттинчи осмонда" эди. Бўлмаса-чи, таниқли журнал-листга уйланди, яхши квартирага эга бўлди. У ўзини ҳақиқий қаҳрамондек ҳис қилди, ўзи туқиган эрткача ўзи ҳам ишонди. Ёшлар, колхозчилар билан учрашувларда жасорати ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қиларди. Ҳаммаси силлиқ кетаётган эди, фирибгар қутилмаганда панд еди. Газетада унинг суратини кўрган жазо колонияси ходимлари ва ундан фириб еган жабрланувчилар Владимир Голубенконини таниб қолишди. 1940 йил июль ойда "қаҳрамон" фирибгарни қўлга олишган собиқ "сафдошлари" унинг кирдикорларидан хайратга тушибди. 1940 йилнинг декабрида СССРни ўйнатган товламачи фирибгарга чиқарилган отув ҳукми ижро этилди. Бир вақтнинг ўзига унга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони унвонини бериш ҳақидаги қарор ҳам расмий бекор қилинди.

Фарида ҚОРАҚҮЛОВА таржимаси. Манба "Аргументы и факты".

БЮК БРИТАНИЯ ГИБРИД АВТОМОБИЛЬ СОТИШНИ ТАҚИҚЛАЙДИ

Британия ҳукумати мамлакатда 2035 йилгача тақиқлаган бензин, дизел ва гибрид автомобилларни 5 йил олдин сотишни режалаштирган. Бу ҳақда Қироллик Бош вазири Борис Жонсоннинг матбуот хизмати таяниб, Daily Mail агентлиги хабар бермоқда. "Ҳукумат 2035 йилдан олдин бензин ва дизел двигателлари бўлган янги автомобиллар ва микроавтотушларни сотишни тақиқлашни режалаштирмоқда", дейлади баёнотда.

Буюк Британия биринчи марта заррли қиқиндиларни камайитириш буйича "шошилч чоралар"ни қўраяпти. Бу тақиққа ҳатто гибрид автомобиллар ҳам қўшилган. Шунга ўхшаш чекловлар кун автотранспортларида ҳам 2030 йилга келиб, Европанинг бошқа бир қатор давлатларида — Дания, Ирландия, Голландия ва Швецияда ҳам амал қила бошлайди.



НОСОЗ ТЕХНИКАГА БАҚИРИШ КЕРАКМИ?

Буюк Британиялик тиббиёт ходимлари маҳсус тадқиқот ўтказишди, унда иштирокчилар ўзларининг техникаси билан бўлган "урушлар" ҳақида гапириб берганлар.

Маълум бўлишича, одамлар компьютерларига тез-тез бақириб туришар экан. Фойдаланувчилар бир ой ичида 3-4 мартаба бақириб, ўз техникасига норозилик билдиришган. Тадқиқотда иштирок этганларнинг 10 фоизи бу каби низолар ҳар ойда 10 мартаба бўлиб туришини айтишган. Уларнинг орасидаги 40 фоиз иштирокчи эса эса нафақат бақириб шаклида, балки жисмоний куч ишлатиб енгинини маълум қилган.

Буюк Британиялик руҳшунослар ўз техникасига мана шундай газабини изҳор қилиш стресс ҳолатидан чиқишга ёрдам беришини тасдиқлашди. Барчамизга маълумки, стресс кўпгина касалликлар ва соғлиқ билан бўлган муаммоларнинг сабабчиси, деб ҳисобланади.

ХИТОЙДА ВОДОРОДДА ЮРАДИГАН ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ ТРАМВАЙ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Хитой шимоли-шарқидagi Хэбэй провинциясининг Таншань шаҳрида водородли ёқилғида юрадиган трамвайдан фойдаланишни бошлашди, деб ёзди "Синьхуа" агентлиги. Янги транспортни China Railway Rolling Corporation корпорацияси ишлаб чиқди.

Трамвай ҳаракатланиш чоғида ҳеч қандай ифлослантнувчи моддалар ажратмайди. Ёқилғи элементлари ичидаги реакция ҳарорати Цельсий буйича 100 даражадан ошмайди, шунинг учун азот оксиди ҳосил бўлмайди. Двигателдан чиқадиган ягона чиқинди сув.

Ёқилғи қуйиш тахминан 15 дақиқа давом этади, у 40 км йўл учун этади. Трамвайнинг энг юқори тезлиги — соатига 70 км тезликини ташкил этади.



БИРИНЧИ СВЕТОФОР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу меҳаник қурилма илк бор 1868 йилнинг 10 декабрида Лондондаги Британия парламент биноси яқинида ўрнатилган. Унинг баландлиги 6 метр бўлиб, маҳсус тайинланган шахс томонидан қўлда бошқарилган.

НАМ САЛФЕТКАЛАРНИ КИМ САЛФЕТ ҚИЛГАН?

Нам салфеткалар ишлаб чиқариш ҳақидаги илк фикрни 70-йилларнинг бошида машур инглиз ихтирочиси Жон Дикинсон билдирган. Шундан кейин "Кимберли-Кларк" компанияси биринчи нам салфеткаларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган. Дастлаб нам салфеткалар болаларни гигиеник парваришлар учун ишлатилган.

Бироқ биринчи нам салфеткалар бир қатор камчиликларга эга эди. Яъни, улар сифат жиҳатдан оддий қоғоз салфеткаларни эслатарди. Улар бактериялар билан ботирилган бўлиб, тез йиртилар ва қуриб қоларди.

Вақт ўтиши билан ишлаб чиқарувчилар салфетканинг сифатини яхшилашга эришибди. Салфетка таркибига қўшилаётган целлюлоза (сунъий ипақ)дан воз кечиб, синтетик топарлардан фойдалана бошлашди. Бу эса салфетканинг юмшоқ ва етарли миқдорда нам бўлишини таъминлади.